

Салафлар ихлосидан намуналар

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]

Шайх Сайфуллоҳ Носир

Нашрга тайёрловчи: Абӯ Абдуллоҳ Шоший

2014 - 1435

IslamHouse.com

نماذج من اخلاص السلف

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ سيف الله ناصر

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2014 - 1435

IslamHouse.com

Бисмиллахир роҳманир роҳим

Маълумингизки, ихлос (амалларни фақат Оллоҳ учун, холисан лиллоҳ бажариш) банда амалининг негизини ташкил қиласиди.

Ихлос йўғрилмаган иш, дунё илинжларидан бири қўшилиб қолган амал нечоғли улкан ва залворли, одамлар кўзига жуда ажойиб ва ёрқин кўринса-да, Оллоҳ ҳузурида фойда бермайди, тарози босмайди.

Хўш, ўтганларимиз нималар қиласар эдилар, амаллари ихлосли бўлиши учун нима чоралар кўрадилар?

Келинг, шу ҳақда келган ривоятлардан баъзиларига кўз ташлаб ўтайлик.

Имом Зайнул обидин (обидлар зийнати) лақабини олган Али ибн Ҳусайн кечаси алламаҳал бўлганида елкасига қоп ортиб, камбағаллар эшиги олдига билдирамасдан нон, таом тарқатиб чиқарди.

Амр ибн Собит шундай дейди:

Али бин Ҳусайн вафот этганида уни юувучи кишилар елкасида қора чуқур изни кўрдилар. “Бу нима?” деб ҳайрон бўлишганида у кишини таниган баъзилар “кечалари қопда ун ва бошқа таомлар тарқатиб, камбағал оиласлар ҳовлилари оралаб изғиб юрар эди”, деб жавоб беришди.

Салафлардан бири кечаси туриб (нафл) намоз ўқир эди. Бомдод маҳали бўлганда худди энди турган кишидек томоқ қириб, овозини кўтариб уйдагиларни уйғотар эди.

Имом Довуд ибн Абу Ҳинд (вафоти 139-хижрийда) қирқ йил билдиrmай (нафл) рўза тутган бўлиб, унинг рўздорлигини уйдагилари сезмаган экан! Касби қўнчи (тери ошлаб, ундан турли анжомлар тикиб сотадиган ҳарроz)лик бўлиб, уйдан чиқаётганда тушлигини уйдагилари қўлига тутқазишар, бироз юргач, камбағалларга бериб, бориб ишини қилар, кечқурун уйга қайтгач, уйдагилари билан кечки овқатни ер экан.

Абдуллоҳ ибн Мухайриз бир куни кўйлак олиш учун бир дўконга кирди. Дўконда ўтирганлардан бири у кишини таниб қолиб, “бу киши Ибн Мухайриз бўладилар, тузуклаб (яъни, арzonрок)

сотинг”, деди. Қўлидаги кўйлакни қайтариб қўяр экан, Ибн Муҳайриз хийла ғазабланган эди. У “Биз пулимизга мол оламиз, динимизга эмас” дея дўконни тарқ этди..

Айюб Сахтиёний пайғамбар ҳадисларини ривоят қилганда кўнгли юмшаб кетса, билдириласлик учун тезда томогини қириб, “тумов қаттиқ текканга ўхшайди” деб қўярди.

Авн ибн Абдуллоҳ шогирдларига уқтираси:

“Мискин-бечорага бир нарса берсанг, сенга “Оллоҳ барака берсин” деб дуо қилса, сен ҳам “Оллоҳ барака берсин” дегинки, шояд берганинг Оллоҳ учун холис бўлса”.

Муҳаммад ибн Юсуф Исфаҳоний кундалик нонини бир новвойдан сотиб олар, у таниш бўлиб бошласа, бошқа нотанишга қатнай бошлар эди, токи бу туфайли унга арzonроқ ёки нон яхшисини бериб қолмасин деб.

Мутарриф ибн Абдуллоҳ “Кечани уйқу билан ўтказиб, тонгда афсус-надомат билан уйғонишим

тунни ибодатда ўтказиб, сахар бунга мағрур бўлишимдан афзал”, дер эди.

Бишр ибн Ҳорис шундай дер эди:

“Охират ҳаловатини одамларга танилишни истаган одам топа олмайди”.

Салафлардан бу каби ҳикоялар талайгина ривоят этилган.

Ихлос моҳиятини, унинг заруратини англаш учун юқоридагилар кифоя бўлса керак.

Муҳими – биз ўзимиз ҳам ихлосли бўлишга интилишимиз, яхши амаллар қушандаси бўлмиш риёкорлигу хўжакўрсинга иш қилишлардан узоқ бўлишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Оллоҳ таоло барчамизни ихлосли бандаларидан қилсин, турли қалб оғатларидан, жумладан, риёкорликдан паноҳ берсин, омин.